

Халқаро алоқалар

ИНВЕСТИЦИЯ ВА САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ХИТОЙГА САФАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Делегация аъзолари Ганьсу провинциясидаги Ланьжоу шаҳрида ҳам бир қатор музокараларда иштирок этдилар. Учрашувлар давомида хитойлик инвесторлар Фарғонада йирик логистика марказини ташкил этишга инвестиция киритишга қизиқиш билдиришди. Шунингдек, қурилиш соҳасига Хитой сармоясини жалб этиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Сафар давомида 10 нафарга яқин йирик хитойлик инвесторлар билан учрашувлар ўтказилиб, ўзаро ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Инвесторлар жорий йилнинг июнь ойида мутахассислар иштирокида Фарғонага келиш режаларини маълум қилдилар.

Учрашувларда Фарғона шаҳар ҳокимлиги вакиллари ҳам фаол иштирок этиб, муҳим келишувларга эришилди.

* * *

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги Фарғона делегацияси Хитойга амалий таширифи давомида Фощан шаҳрида жойлашган “Guangzhou Vistel Technology Co., Ltd” компаниясида бўлди.

Алоқа соҳасида катта таърибага эга “Vistel” компанияси замонавий инновацион технологияларни амалиётга татбиқ этиб келмоқда. Компаниянинг қурилмалари фавқулодда вазиятлар, жамоат хавфсизлиги, харбий, метро, нефть конлари, атом электр станциялари, аэропортлар ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Электр энергия талаб қилмайдиган, кенг қамровли симсиз база станциялари махсус тармоқ орқали ишлайди.

Вилоят раҳбари компаниянинг иш жараёни ва қурилмалари билан танилишди. Фарғонада ҳам қишлоқ хўжалиги ва маҳаллаларда таъриба сифатида “Vistel” технологияларини жорий этишга келишилди ҳамда ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

* * *

Йирик саноат, молия ва транспорт маркази бўлган Гуанчжоу шаҳри ишбилармонлари ҳамкорлигида Фарғона вилоятида савдо, иқтисодиёт, энергетика, мисни қайта ишлаш, чарм-пойабзал, керамика ва бошқа соҳаларда янги лойиҳалар амалга оширилади.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган тадбиркорлар билан учрашувида мазкур йўналишлардаги аниқ чоратадбирлар белгилаб олинди.



Фарғона ва Чэнду шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик доирасида ташкил этилган “Халқаро биродарлашган шаҳарлар кооперацияси ва ривожланиши форуми”да вилоятимизнинг савдо-иқтисодий ва инвестиция салоҳияти намойиш этилди. Форум доирасида Чэнду шаҳри раҳбарлари билан бирга Польшанинг Лодзь вилояти ва Германиянинг Бонн шаҳри расмийлари билан ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар давомида “PITO” компанияси билан Риштон туманида юқори сифатга эга чинни маҳсулотлари, “AORIYA” компанияси билан чарм-пойабзал ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш, Гуанчжоу тадбиркорлар уюшмаси билан мисни қайта ишлаш ва бошқа йўналишларда ҳамкорликни кенгайтириш, Данғара туманида эса чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш бўйича самарали келишувларга эришилди.

Вилоят ҳокими Ўзбекистонда, хусусан, Фарғонада инвесторлар учун яратилган имконият ва шароитлар ҳақида сўз юритиб, уларнинг ҳар бир истиқболли лойиҳалари қўллаб-қувватланишини билдирди.

Учрашувлар якунида ҳамкорликда ишларни бошлашга келишилди.

* * *

Шаньдун провинциясидаги Таян юқори технологияли саноатни ривожлантириш зонасида жойлашган “Shandong Huilai Electrical Co., Ltd” компанияси Фарғона вилоятида янги корхона очади. Вилоят делегацияси мазкур компанияда бўлиб, инвестициявий лойиҳани амалга оширишга келишди.

“Shandong Huilai Electrical Co., Ltd” компанияси кўплаб турдаги транс-

форматорлар ва электр жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Энергия тизимидаги йўқотишларни камайтириш, харажатларни қисқартириш ва самарадорликда бу замонавий жиҳозларнинг аҳамияти катта.

Вилоят делегацияси дастлаб компания фаолияти билан танилишди. Учрашувда эса вилоятимизда инновацион трансформаторлар ва электр жиҳозлари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими энергетика тизимида сўнгги йилларда олиб борилаётган модернизация жараёнларини қайд этиб, бунда тизимга “ақлли” технологияларни жорий қилиш муҳимлигини таъкидлади. Лойиҳани махсус саноат зонасида жойлаштириш, инвесторларни қўллаб-қувватлаш билдирилди.

Компания раҳбари Си Янжи Фарғонага бориб, имкониятлар билан танишгани, корхонани очиш учун дастлабки ишларга киришилганлигини, замонавий технологиялар ўрнатилишини маълум қилди.

Учрашувда компания билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

* * *

Фарғона вилояти делегацияси



Цзинань шаҳрида жойлашган “Inspur Group Co., Ltd” компаниясида ҳам бўлиб, унинг фаолияти билан танилишди.

“Inspur” Хитойнинг энг йирик ахборот технологиялари компанияларидан бири бўлиб, ақлли шаҳарлар, рақамли инфратузилма ва транспорт тизимлари учун илгор ечимларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича 30 йилдан ортиқ таърибага эга. Бугунги кунда компания маҳсулотлари дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакатларида ишламоқда.

Компаниянинг асосий фаолияти компьютер серверлари ва дастурий таъминот ишлаб чиқариш, маълумотлар марказларини яратиш ва булутли ҳисоблашдан иборат. Компанияда 35 минг нафардан ортиқ ходим ишлайди. Ўтган йили унинг ташқи бозордаги улуши 400 баробарга ошди.

Мазкур компания Хитойда 1-рақамли сервер ишлаб чиқарувчиси ва дунёдаги энг йирик бешта сервер етказиб берувчилардан бири ҳисобланади. Компаниянинг заводлари Хитой ва Венесуэлада жойлашган. АҚШ ва Япония компаниялари учун буюртмаларни ҳам бажаради.

Компания раҳбарлари томонидан шулар ҳусусида батафсил маълумотлар берилди.

Компаниянинг вице-президенти

Давид Вей бошчилигидаги расмийлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров компания расмийлари билан учрашувда бугунги кунда ахборот технологиялари барча соҳаларда кенг қўлланилаётгани, мамлакатимизда амалга оширилаётган рақамлаштириш борасидаги ишлар ҳақида сўз юритди. Компания билан қишлоқ хўжалиги, сув тизимини “ақлли” бошқариш бўйича ҳамкорлик қилиш таклифини билдирди.

Учрашувда вилоят ҳокимлиги ва компания ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланиб, лойиҳани бошлашга келишиб олинди. Хитойнинг йирик компанияси – “Inspur” билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

* * *

Хайрулло Бозоров Хитойнинг Шаньдун провинциясидаги йирик ишлаб чиқариш тармоқларига эга “Woerde Group” компанияси президенти Шан Сюэмэй бошчилигидаги ишбилармонлар билан ҳам учрашди. Мазкур компания қурилиш индустрияси, логистика, консалтинг, туризм, маданият каби йўналишларда фаолият кўрсатади, 43 та корхонани ўзида бирлаштирган.

Учрашувда компания томонидан олиб борилаётган ишлар ва

маҳсулотлар тақдимот қилинди.

Вилоят ҳокими бу каби кластерга эга корхоналар учун Фарғонада лойиҳаларни амалга оширишда қулай имкониятлар борлигини билдириб, ҳамкорликка тайёрлигини маълум қилди.

Учрашувда ҳамкорлик шартномаси тузилиб, компания вакиллари билан амалий ишларни бошлашга келишилди.

* * *

Шаньдун провинциясининг Цзинань шаҳрида “Янги Ипак йўли кўприги – Шаньдун ва Ўзбекистоннинг ҳамкорлигидаги ривожланиши” мавзусида Фарғона-Шаньдун бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Вилоятимиз делегацияси ҳамда 150 нафарга яқин шаньдунлик ишбилармонлар иштирокидаги форум икки томонлама манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда ўзига хос мулоқот майдони бўлди.

Вилоят ҳокими Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатлар янги босқичда давом этаётганлигини, бу ҳудудлараро ҳамкорлик фаоллаштиришга хизмат қилаётганлигини таъкидлаб ўтди. Айниқса, Шаньдун провинциясидаги компания ва тадбиркорлар билан вилоятимизда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилиб, истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётганини эътироф этди. Барча йўналишлардаги ташаббус ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдириб, ишбилармон доира вакиллари Фарғонага таклиф қилди.

Шаньдун Савдо-саноат палатаси раҳбари Ўринбосари Сун Мэйцзюй икки ҳудуд иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳусусида сўз юритди.

Бизнес-форумда вилоятнинг инвестицион имкониятлари ва тадбиркорлик субектлари учун яратилган шароитлар ҳақида маълумот берилди.

Форум давомида шаньдунлик ишбилармонлар биргаликда амалга ошириш учун ўнлаб турли соҳа ва йўналишларни қамраб олган лойиҳавий таклиф ва ташаббуслар тақдимотини ўтказишди.

“Woerde Group” компанияси Фарғона вилоятининг бу ердаги вакили этиб тайинланганлиги маълум қилинди.

Форумда 200 млн АҚШ доллари миқдорида шартномалар имзоланди.

» | Давоми 2-бетда.



✓ **Ҳар бир оила – тадбиркор**

БОДРИНГДАН КУНИГА

5 МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД

Ёзёвон туманининг “Юқори Сойбўйи” МФЙ ҳудудида истиқомат қилувчи Ёдгорали Қодиров оила аъзолари билан биргаликда 35 сотих ердаги иссиқхонада бодринг парваришлайди.

Миришкор оила бир ой олдин бодринг ҳосилини бозорга чиқарган бўлиб, дастлабки кунларда ҳар бир килосини улгуржи нархда 30 минг сўмдан сотишди. Ҳозирда кунора узилдириган 1 тонна ҳосилнинг килосини 10 минг сўмдан шу ернинг ўзида харидорлар олиб кетишмоқда. Шу тариқа мазкур оила бодринг савдосидан кунига ўртача 5 миллион сўм даромад оляпти.

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Исомжон Муқимовнинг айтишича, хизмат кўрсатиш соҳаси ва деҳқончилик маҳалла драйвери сифатида белгиланган. Ўтган йили оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 53 нафар фуқарога қарийб 500 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Шу йилнинг биринчи чорагида эса 17 та микролойиҳага 250 миллион сўм кредит берилиши таъминланди.

Айтиш жоиз, бугунги кунда маҳалладаги 1300 та оилада 4300 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Ботир МАДИЁРОВ

✓ **Касбий таълим**

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР, ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР

Президентимизнинг тегишли фармони асосан янги ташкил этилган техникум ва политехникумларга эндиликда умумий ўрта таълим мактабларининг 9 ва 11-синф битирувчилари қабул қилинади. Айни кунларда эса вилоятимиздаги барча касбий таълим ташкилотларида “Касб ва ёшлар” очик мулоқот ойлиги доирасида танишув тадбирлари ўтказилмоқда. Бу тадбирларда умумтаълим мактаблари битирувчилари, мактаб руҳшунослари, масъуллар ва ота-оналар иштирок этишмоқда.

Учқўприк туманидаги 2-сон политехникумда ўтказилган “Касб ва ёшлар” тадбири чин маънода мактаб ўқувчиларига политехникум эшикларини, касб ўрганиш учун имконият йўларини очди, дейиш мумкин.

Айни вақтда мазкур политехникумда 1200 нафар ўқувчи турли йўналишларда касбуна ўрганмоқда. Бу йил уларнинг янги битирувчи ҳисобланади, янги ўқув йилидан яна 700 нафар ўқувчи қабул қилинади.



» | Давоми 2-бетда.

Халқаро алоқалар

ИНВЕСТИЦИЯ ВА САВДО-ИҚТИСОДИЙ
ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ХИТОЙГА САФАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



» | Давоми. Бошланиши 1-бетда.

* * *

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Шаньдун провинцияси партия қўмитаси раҳбари Лин У билан учрашди. Унда икки ҳудуд ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари юқори динамикада ривожланиб бораётганлиги таъкидланди.

Шаньдун – Хитойнинг қадимий ва айни пайтда, энг жадал ривожланган провинцияси, маданий ва фалсафий марказларидан бири ҳисобланади.

Самимий мулоқот чоғида Шаньдун ва Фарғона вилояти ўртасида ҳамкорлик алоқалари самарали йўлга қўйилганлиги,

учрашувлар доирасида ушбу ҳамкорлик янги босқичга кўтарилаётганлиги қайд этилди.

Фарғона вилояти тadbиркорлари бүгунги кунда Шаньдун провинциясининг Цзинань, Дечжоу, Цзибо, Вэйфан каби шаҳарлари билан интенсив алоқалар олиб бориб, қиймати 500 млн АҚШ долларидан ортиқ бўлган қўшма лойиҳалар устида ишлаётганлиги маълум қилинди.

Шаньдун вилояти имкониятларидан кенг фойдаланиш, ҳудудлар ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни янада кенгайтириш борадида тақлифлар билдирилди.

Шаньдун билан замонавий технологиялар, электротехника, тўқимачилик, мисни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, туризм, IT каби йўналишларда

истикболли лойиҳаларни амалга ошириш айтиб ўтилди.

“Фарғона-Шаньдун яшил саноат парки”ни ташкил этиш, маданият кўчаларини ўтказиш тақлифи билдирилди.

Вилоят раҳбари жадал ҳамкорлик ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли керакли натижаларга ва истиқболли лойиҳаларда катта муваффақиятларга эриша олишлигини таъкидлади.

Учрашув якунида билдирилган масалалар ва тақлифлар бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқибли, ҳамкорликдаги ишларни жадаллаштиришга келишиб олинди.

* * *

Хитойлик инвесторлар Фарғонада истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш истагини билдиришмоқда.

Хитой Халқ Республикасида амалий ташриф билан бўлиб турган Фарғона вилояти делегацияси билан ўтказилган учрашувларда бу борада самарали келишувларга эришилди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Шаньдун провинцияси Цзинань шаҳрида ўттиздан ортиқ компания ва ишбилармон доира вакиллари билан юзма-юз мулоқотда бўлди. Унда курилиш, саноат, машинасозлик, электротехника, меҳмонхоналар қуриш, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби йўналишлардаги инвестициявий лойиҳалар муҳокама этилди.

Ҳар бир лойиҳа бўйича билдирилган тақлифлар асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгиланди.

* * *

Хайрулло Бозоров Шаньдун провинцияси Цзинань шаҳридаги саноат зонасида жойлашган “Shandong Oubiao Information Technology Co., Ltd” компаниясининг фаолияти билан танишди.

Компания 2014 йилда ташкил этилган, сув хўжалигини “ақлли” бошқариш, қишлоқ хўжалиги учун инновацион технологиялар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Илм, тажриба ва ишлаб чиқариш жараёнини қамраб олган бўлиб, Япония, Жанубий Корея, Вьетнам ва Қозоғистон билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Қишлоқ хўжалигида сувни тўғри тақсимлаш, бошқариш каби қўнлаб функцияларга эга технологиялар тўлиқ рақамлаштирилган, қуёш панели билан ишлайди.

Вилоят раҳбари компания расмийлари билан мазкур йўналишда ҳамкорликни йўлга қўйиш борадида музокара олиб борди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида сувдан оқилонга фойдаланиш ва тежашда замонавий технологияларни жалб этиш муҳимлигини, бунда компания томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни вилоят мисолида тажрибадан ўтказиш ва корхона очиш тақлифи билдирилди.

Компания вакиллари вилоятимизга келиб, имкониятлар билан танишиш ҳамда ҳамкорликда лойиҳаларни бошлашга келишиб олдилар.

Хитойга амалий ташриф давом этмоқда.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ
Муслимбек ТЎЛАНОВ
олган суратлар.

Қисқа
сатрларда

Туркияда ўтказилган “Анталиа дипломатия форуми – 2025” да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев иштирок этди.

С.Сафоев форумда Ўзбекистоннинг очик ва конструктив ташқи сиёсати, минтақавий дипломатияни мустаҳкамлаш борасидаги ёндашувлари ҳақида нуққа сўзлади. Глобал зиддиятлар фонида халқаро институтларнинг ишончилигини қайта тиклаш, дипломатия орқали барқарор тараққиётни таъминлаш ҳамда минтақавий ва глобал даражадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади.

◆

5 май куни Марказий Осиё ва Қўрғаз араб давлатлари саммити Самарқандда ўтказилди.

Унда Марказий Осиёнинг бешта республикаси раҳбарлари ва Қўрғаз араб давлатлари – Саудия Арабистони, Қатар, БАА, Кувейт, Баҳрайн ва Ўмон раҳбарлари қатнашди. Бу ҳақда Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги «Марказий Осиё – Қўрғаз араб давлатлари ҳамкорлиги кенгаши» стратегик мулоқоти ташқи ишлар вазирларининг учинчи учрашуви якунлари бўйича баёнот берди.

◆

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва молия вазирининг биринчи ўринбосари Илҳом Норқулов ҳамда Германия тараққиёт банкнинг (KfW) Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё бўйича минтақавий бошқарувчиси Йонас Раффелдер бошчилигидаги делегация ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда томонлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари, хусусан, иқтисодий соҳалардаги шерикликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Учрашув доирасида грант маблағларини жалб қилиш юзасидан битим имзоланди.

◆

Футбол бўйича Ўзбекистон U-17 терма жамоаси КХДРни йирик ҳисобда енгиб, финалга чиқди.

Саудия Арабистонида ўтаётган ўсмирлар ўртасидаги Осиё кубоги ярим финалида Ўзбекистон КХДР дарвозасига жавобсиз 3 та тўп киритди.

Шу тариқа Ислам Исмоилов шогирдлари 20 апрель кунги финалда мезбонларга қарши майдонга тушишди.

◆

Жорий йилнинг 11-17 апрель кунлари Косова Республикасида Европа Қизлар математика олимпиадаси бўлиб ўтди.

Олимпиадада 55 та давлатдан 300 нафарга яқин ўқувчи қизлар иштирок этди. Ўзбекистон терма жамоаси қизлари олимпиадада 3 та медални қўлга киритишди.

Эслатма: Ўзбекистон терма жамоаси ушбу олимпиадада илк мартаба иштирок этди.

◆

Вилоятимиздаги касбий таълим ташкилотлари, иш берувчи корхона ва муассасалар масъуллари иштирокида “Дуал таълими ташкил этишининг афзалликлари” мавзусида форум бўлиб ўтди.

Форумда Германия Халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ) лойиҳаси эксперти Кристиан Хирис, вилоят ҳокимининг ўринбосари Шерзод Полвонов, Савдо-саноат палатаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси вакиллари қатнашишди.

“Дуал таълимда Германия тажрибаси”, “Дуал таълими ташкил этишда корхоналарнинг ўрни”, “Хусусий сектордаги иш берувчилар ҳамда таълим муассасалари интеграцияси”, “Фарғона вилоятида дуал таълими ташкил этиш имкониятлари” каби мавзулардаги чиқишлар қизгин савол-жавоб ҳамда бахс-мунозараларга бой бўлди. Тадбирда тизимда юз кўрсатаётган муаммо ва камчиликлар таҳлил қилинди.

◆

Фарғона шаҳрида «Ҳамшира – 2025» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ушбу танловда шахар ва туманларда голиб бўлган 20 нафар иштирокчи ўзаро бахс юритди.

Иштирокчиларнинг ҳар бир шартдаги ўзига хос чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Ҳайъат аъзоларининг якуний ҳулосаларига кўра, Бешариқ тумани марказий шифохонасининг реанимация бўлими ҳамшираси Хуснидаҳон Турдалиева энг юқори балл тўплаб, 1-ўринни қўлга киритди. У энди республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

ДИНИЙ БАРҚАРОРЛИК
ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК –
жамият тараққиётининг гарови

Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази Фарғона вилояти бўлини маси томонидан, вилоят ҳокимлиги ва Дин ишлари бўйича қўмита ҳамкорлигида “Жамиятда диний барқарорликни таъминлаш ва дунёвийлик тамойилларини ривожлантириш бўйича аҳолининг хабардорлигини ошириш” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.



Унда вилоят ҳокимлигининг мавзуга дахлдор вакиллари, соҳа мутасаддилари, миллий маданий марказлар, турли диний ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Давра суҳбатиде фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлаш, диний бағрикенгликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Мутахассислар томонидан соҳага

оид қабул қилинган Концепциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, унда белгиланган вазифалар ҳамда миллатлараро муносабатлар бўйича давлат сиёсати ҳақида тушунтиришлар берилди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур тадбир жамиятда тинчлик ва тотувликни таъминлаш, давлат ташкилотлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришга қаратилди.

Алишер ШОКИРОВ

Касбий таълим

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР,
ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР

» | Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Тумандаги умумтаълим мактабларининг 9 ва 11-синф битирувчилари гуруҳ-гуруҳ бўлиб, тадбирга ташриф буюришди, политехникумдаги ўқув ва амалиёт жараёнлари билан танишишди, педагоглар ва касбий таълим усталари билан самимий суҳбат қуришди.

– Таълим муассасамизда пайвандловчи, автомобильлар электр жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш, сартарош-модельер, ошпаз-қандолатчи, тракторчи-машинист каби касб йўналишлари мавжуд. Мактаб ўқувчиларида бу йўналишларга қизиқиш катта бўляпти, – дейди политехникум директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Иқболжон Абдукаримов.

Тадбир учун алоҳида тайёргарлик қўрилиб, ҳар бир касб йўналиши ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

– “Йигит кишига қирқ хунар ҳам оз”, дейишди. Пайвандловчилик ёки тракторчи-машинистлик йўналишида тахсил олмоқчиман. Чунки ҳар икки касб ҳам жуда керакли ҳисобланади. Бу даргоҳни битирган, олий таълимда ҳам ўқишни давом эттириш ниятим бор, – дейди тумандаги 35-мактаб ўқувчиси Қобилжон Пўлатов.

– Бу йил 9-синфни битираётган ўқувчиларим билан келдим. Уларга барча шарт-шароитлар, касб йўналишлари таништирилди. Янги ўқув йилидан шу ерга келиб, тахсил олишни истовчилар кўп, – дейди 3-мактаб руҳшуноси Дилфузахон Нишонов. Таъкидлаш керакки, бу йил вилоятимиздаги касбий таълим ташкилотларига 35 минг нафардан зиёд ёшлар қабул қилинади. Улар 130 хил йўналишда касб-хунарга тайёрланадилар, бунга қўшимча яна 10 дан зиёд янги, замонавий мутахассисликлар очилиши режалаштирилган. Бу эса умумтаълим мактаблари битирувчиларида ҳам, уларнинг ота-оналарида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бағдод туман политехникумида ташкил этилган очик мулоқот ва “Касблар фестивали” ўқувчи-ёшлар учун ҳақиқий байрамга айланиб



кетди. Тадбирга туман ҳокимлиги масъуллари, ота-оналар, тумандаги умумтаълим мактабларининг ўқувчилари тақлиф этилди. “Касб ва ёшлар” тадбирида тумандаги умумтаълим мактабларидан келган 600 нафардан зиёд ёшлар, уларнинг ота-оналари иштирок этди. Тадбир муносабати билан политехникум ҳовлиси гуллар билан байрамона безатилди, қўл меҳнати намуналари, таълим муассасасида йўлга қўйилган касб йўналишлари бўйича кўргазмалар, турли танлов ва мусобақалар ташкил этилди, ўқитувчилар ва касб таълими усталари томонидан маҳорат дарслари ўтказилди.

– Бугунги тадбирга келганимдан мамнунман. Чунки политехникумда ўқитиладиган таълим йўналишлари, ёшлар учун яратилган шарт-шароит билан яқиндан танишдик. Ахборот технологияларига қизиқишим катта, шунинг учун бу ердаги “Компьютер графикаси ва дизайн оператори” йўналишида ўқишни давом эттирмоқчиман, – дейди 31-мактаб ўқувчиси Илҳом Собиржонов.

Эътиборлиси, ўзаро ҳамкорлик асосида политехникумда Фарғона давлат университети профессор-олимлари томонидан хорижий тилларни ўрганиш курси ташкил қилинган. Ҳафтада икки кун ўтиладиган машғулотлар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари учун тўлиғича бепул қилинган. Бошқа ўқувчилар учун ҳам нисбатан арзон нархлар белгиланган.

Ҳаётжон БОЙБОВОЕВ
Шерзод ҚОРАБОВЕВ олган суратлар.

Дастур ва ижро



ЯХШИЛИКНИ СОҒИНГАНЛАР ШУКРОНАСИ

РИШТОНДА ЭҲТИЁЖМАНД ФУҚАРОЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНияТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Хар бир жамиятнинг барқарорлиги, авваламбор, унда яшаётган фуқароларнинг фаровонлигига bogliq. Кейинги йилларда мамлакатимизда Президентимиз томонидан эҳтиёжманд ва кам таъминланган oilаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий ва маънавий ҳаёт шароитларини яхшилашга катта эътибор қаратилляпти. Юртбошимиз ташаббуси билан ижтимоий ҳимоя тизиминда ҳам муҳим ислохотлар амалга ошириляғгани бунга яққол далилдир.

Жумладан, Президентимиз томонидан 2024 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-330-сон қарор ижроси бўйича олиб бориляётган саъй-ҳаракатлар бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш имконини берапти. Мазкур қарор асосида жорий йилда вилотиямизда 33 мингта oilада истиқомат қиляётган 150 минг нафар ҳамюртимизни камбағалликдан чиқариш устувор вазифа сифатида белгилаб олинган.

Айни жараёнда тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун 1 300 га яқин oilага имтиёзли кредит, шу жумладан, 2200 нафар фуқарога ўзини ўзи банд қилиши учун субсидия ажратиляди. Ўз навбатида, 1,4 минг нафар ишсиз фуқаро доимий ишга жойлаштирилиб, 440 та oilага томорқадан унумли фойдаланиш орқали даромад манбаига эга бўлишга қўмаклашиляди. 550 нафардан ортиқ ёшлар касб-хунарга йўналтириш, хорижий тил ва тўғарақларга жалб қилиш орқали уларнинг oilаси камбағалликдан чиқариляди.

Таъкидлаш жоизки, биргина Риштон туманида ҳам кам таъминланган, эҳтиёжманд oilаларга ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўллаб амалий ишлар бажариляпти. “Камбағалликдан фаровонлик сари” давлат дастури доирасида тумандаги 2186 та oilа камбағаллик реестрига олинган. Улардан 315 та-

сига турли ташкилотлар раҳбарлари, қолганларига эса маҳалладаги нурунийлар бириктирилиб, ҳар бир oilанинг муаммоси ўрганилмоқда. Айримларига имтиёзли кредитлар берилди, бошқаларига эса иссиқхона ташкил этиш, тикув машиналари билан таъминлаш каби ёрдамлар кўрсатилди. Кимдир ишли бўлди, яна кимдир ўзини ўзи банд қилди, хонадонлар таъмирланди, фарзандларига таълим муассасаларидаги ўқиниш учун шартнома пули тўлаб берилди. Бир сўз билан айтганда, мазкур туманда яхши ният билан қилинаётган ҳар бир ҳаракат бугун ўз самарасини берапти.

Тумандаги «Қайрағоч» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам аҳоли фаровонлиги ва бандлигини таъминлашга қаратилган ишлар изчил давом этмоқда.

– Хар бир фуқаронинг муаммосига бефарқ қараймайди, – дейди маҳалла раиси Валижон Маҳкамов. – Қандай муаммо бўлмасин, уни ечиш орқали фуқаро розилигига эришиш, уларга амалий ёрдам бериш бизнинг энг асосий вазифамиздир. Маҳалламиз драйвери – томорқачилик. Деярли ҳар бир хонадонда иссиқхона мавжуд. Аҳоли иссиқхоналар орқали ўз томорқасидан яхшигина даромад оляпти. Бу эса уларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлamoқда.

Эҳтиёжманд oilаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳалланинг Обод кўчасида яшовчи Ҳамидилло Ҳасановга 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилиб, унинг ҳовлисида 2,5 сотихли иссиқхона

қуриб берилди. Айни дамда иссиқхонада бодринг кўчатлари парваришланмоқда. Дехқон кузга қадар узлуксиз ҳосил олишни мақсад қилган. Унинг айтишича, бир ҳосил йиғинида тахминан 500 килограммгача бодринг олиш мумкин. Хар икки кунда бир марта ҳосил териляди.

– Иссиқхона бўлгунча ҳаётим анча ogир эди, – дейди Ҳамидилло Ҳасанов. – Асосан томорқамда меҳнат қилиб, оз-моз даромад топиб, базўр рўзгоримни тебратардим. Россияга ҳам бориб, ogир ишлар қилганман. Аммо ҳозир давлатимизда яратиб берилган шароитлар туфайли ўз ҳовлимда ишли бўлиб турибман. Ҳовлимдаги иссиқхонада аёлим билан бирга меҳнат қиляпман. Энди болаларим, маҳаллам олдида юзим ёруғ, чунки ҳалол меҳнатим бор, ундан ҳосил олиш арафасида турибман.

Шунингдек, маҳаллада эҳтиёжманд oilаларга қўрсатиляётган эътибор ва ғамхўрликни Шўхрат Қаҳҳоровнинг хонадони мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Унинг oilаси маҳаллада кам таъминланган oilалар қаторида рўйхатга олинган. Таъкидлаш жоизки, Шўхрат Қаҳҳоров ва ўғли Нурбек ногиронлиги бўлган шахслар ҳисобланади. Биргина oilа бошлигининг рафиқаси – Муборак Матёқубова уларнинг парвариши билан банд.

Улар авваллари икки хонали, жуда эски уйда яшар эдилар. Аммо маҳалла масъуллари ва фаоллар ташаббуси, шунингдек, саховатпеша инсонлар қўмағи билан бу oilага катта яхшилик қилинди – хонадон ҳовлисида кўшимча икки хонали, айвонли, шинам уй қуриб берилди.

– Бундай яхшиликни хаёл ҳам қилмаган эдик, – дейди кўз ёшларини артаркан Муборак Матёқубова. – Бизга меҳр берган, аҳволимизни ўрганиб, чиройли уй қуриб берган барчадан умрбод миннатдормиз.

Хар куни, аввало, Юртбошимизни, қолаверса, бизга уй қуриб беришда ўз ҳиссасини қўшган барча инсонларни дуо қиляпмиз.

Қаҳҳоровлар oilаси аъзолари ҳеч қаерда ишламайди, уларнинг ягона даромад манбаи – ўз томорқалари. Бу йил улар томорқага қизил лавлаг иқшишган.

Яна бир мисол: ушбу маҳалланинг фаол ва ташаббускор ёшларидан бири – Азизбек Эминжонов бугунги кунда давлат ва маҳалла қўмағи орқали ўз бизнесини йўлга қўйган. Қувонарлиси, 2-гуруҳ ногирони бўлишига қарамай, у тинимсиз изланиш ва меҳнати билан бошқаларга намуна бўлмоқда.

«Пакет» лойиҳаси доирасида Азизбекка 2 дона инкубация аппарати ажратилди. Хар бир аппаратга 352 та тухум жойлаш мумкин бўлиб, улар орқали жўжалар чиқариляди. Бугун аппаратлардан самарали фойдаланган ҳолда, у ойига ўртача 3 миллион сўмга яқин даромад топмоқда.

Бундан ташқари, Азизбекнинг томорқасида 3 сотихли иссиқхона ҳам мавжуд. У ерда етиштириляётган бодринг ҳосилидан мўмай даромад оляпти.

Қаранг, Азизбек фақат меҳнат билан чекланиб қолмасдан, балки ҳосил олишни ҳам давом эттиряпти. У Фарғона давлат техника университетининг 5-курс талабаси бўлиб, сиртқи таълим шаклида таҳсил оляди.

Ҳа, буларнинг бари Президентимиз томонидан олиб бориляётган сиёсат, изчил ислохотлар нақадар ҳалқчил эканлигидан dalolat. Зеро, биргина Риштон туманида амалга ошириляётган бундай ишлар орқали аҳолининг ҳаётга бўлган ишончи ва меҳнатга бўлган қизиқиши ортияпти.

Алишер ШОКИРОВ,
“Янги Фарғона” муҳбири

Ер билан тиллашаётганлар

ЎЗЛАРИ КЕЛИБ, ОЛИБ КЕТИШАДИ

1 килодан 300-500 та уруғлик бўлак олинади, 10 килодан эса ўртача 4000 та. 10 сотих ерга 200 кило уруғ экиляди, яъни 75-80 минг дона. Баҳорга келиб, ҳар бир донаси кўкат бўлиб етилгач, 500-600 сўмдан сотиляди. Бу эса 35-40 миллион сўм дегани. Харажатлардан ташқари 25 миллион сўм соф даромад қилса бўляди.

Бу хомаки ҳисоб-китоб учқўприклик миришкор дехқон Ёркинжон Тоҳировнинг айтганларидир. Аниқроғи, ота касби – саримсоқпиёз етиштириш билан шуғулланадиган юртдошимизнинг фикрларидир.



Бу фактларни бежиз келтирмадик. Зеро, бугун ер билан тиллашиб, унга меҳрини бериб дехқончилик қиляётганлар кўп. Аввало, Яратганининг марҳамати, шу билан бирга, “Буромадга қараб – даромад”, дейдилар, ахир. Ерни экинга тайёрлашдан тортиб, уруғлик, техника, ишлов бериш, ўғитларга кетадиган харажатлардан ортгани соф фойда бўляди. Фойда қилмаган дехқон кейинги йили бу экинга қайрилиб ҳам қарамаслиғи тайин. Демакки, хомаки ҳисоб-китоб ҳам зарур.

“Қўқон – Бағдод” автомобил йўлидан ҳар сафар ўтарканман, аскарлардек бир қаторга тизилиб, ҳафта сайин барг ёзиб, кўзни қувнатаётган саримсоқпиёз экилган пайкал “хўжайини” билан суҳбатлашиш истаги тинч қўямасди. Таъбир жоиз бўлса, санъат даражасида бир текис парваришланган бу маҳсулот бугун юртимиз бозорларига пешма-пеш олиб кетилмоқда.

Ёшлитимдан дехқончилик билан шуғулланаман. Баъзида “бошқаларга ўхшаб, хорижга бориб ишлаб келсаммикан” деган ўй ҳам ўтади кўнгилдан. Лекин ўз юртингда, бола-чақанинг олдида меҳнат қилиб ҳам мўмай даромад қилса бўладику, – дейди Ёркинжон. – Хар йили 80 сотихдан 1 гектаргача саримсоқпиёз экаман. Ҳиди бироз ёқимсиз бўлса-да, даромади ширин. Ерга меҳр бераман, алдамасан, у ҳам сени сийлайди. Дехқончилик орқасидан тўйлар қиляпмиз, рўзгоримиз бут, автома-

шинамиз ҳам бор. Саримсоқпиёз – сердаромад экин. Дастлабки ҳосилни декабрда, кўкат ҳолида бозорга олиб чиқамиз.

Унинг айтишича, бу экинни хом, яъни кўкат ҳолида ҳам, пишириб-етилтириб ҳам сотса бўляди. Асосийси, у совуққа чидамли. Харидорлар ўзлари келиб, олиб кетишади. Тошкент, Қўқон, Наманган каби шаҳарларда унинг бозори чакқон.

Саримсоқпиёз – жуда қадимий экин, тахминан 5 минг йиллардан буён экиб келинади. Бугунги кунда унинг элликка яқин навлари тарқалган. Ошпазларнинг сеvimли маҳсулоти ҳисобланади. У таомни хуштаъм қиляди. Табобатда ҳам фойдаланиляди. Таркибида биологик фаол моддалари кўплиги боис саратон хужайраларини йўқотиш қучига эга. Хитойда бу егуликни узок умр кўриш гарови сифатида қадрлашади.

Айтмоқчи бўлганимиз эса уни экиб, парваришлаш орқали рўзгорни бут қилиш мумкин. Бугун юртимизда томорқадан унумли фойдаланиш борасида қўллаб тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляётган, ҳатто томорқасини бўш қўйган фуқаролар икки баробар солиқ тўлаши мумкин, деган гаплар айтиляётган пайтда саримсоқпиёз экиш – ҳам солиққа, ҳам солиққа фойдали. Даромади эса ўзингизга.

Ҳаётжон БОЙБОВОЕВ
Шерзод ҚОРАБОЕВ
олган сурат.

Инфратузилма

Ўзбекистон туманида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида ogир ҳудуд тоифасига киритилган маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш орқали аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда.

ОҒИР ҲУДУД ТОИФАСИГА КИРИТИЛГАН МАҲАЛЛАЛАР ОБОД БЎЛМОҚДА



Айни жараёнда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги ogир ҳудуд тоифасига киритилган 7 та маҳалла фуқаролар йиғинида инфратузилмани яхшилаш учун 22 млрд 300 млн сўмдан зиёд маблағ йўналтирилмоқда.

Хусусан, “Бўстон” маҳалласида аҳоли томоқларини сугориш учун битта артезиан кўдуги қазилиб, 4000 метр бетон ариқ ўрнатилмоқда. Маҳалладаги электр таъминотида оид муаммоларни бартараф этиш мақсадида эски симёғочларни 120

дан зиёд янги бетон таянчларига алмаштириш кўзда тутилган.

– Маҳалламиздаги 500 дан ортиқ хонадонда 4 310 нафар кўп миллатли аҳоли ўзаро иноқликда яшайди, – дейди “Бўстон” МФЙ ҳоким ёрдамчиси Жамолиддин Насриддинов. – Айтиш жоиз, маҳаллада аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилядиган кенг қўламли бунёдкорлик ишларини бажариш учун 3,2 млрд сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши режалаштирилган.

Ботир МАДИЁРОВ

Ибрат

Бағдод туманидаги “Хитой” маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қиляётган Нўъмонжон ота Янгибоев маҳалланинг пиру бадавлат нурунийларидан. Бу инсоннинг ҳаёт йўли, иш-амаллари кўпга ибрат. Яқинда бу нурунийнинг ҳаж сафарига жамғариб юрган сармоясини ҳисобидан маҳалла ҳудудида тоза ичимлик сув кўдуги қазилди. Бу эса маҳалладаги 100 дан ортиқ хонадон эгаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконини берди. Бундан ташқари, 2-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари ҳам бу беминнат туҳфадан баҳраманд бўлишмоқда.

Етмиш беш ёшни қарши олган Нўъмонжон ота узок йил халқ таълими соҳасида меҳнат қилиб, нафақага чиқди. Маҳаллада бўляётган хайр-саховат ишлари, тўй-томошаларда хануз бош-қош.

Турмуш ўртоғи билан 4 нафар фарзандига яхши таълим-тарбия бериб, элга қўшди. Ўзларидан тинич-тинич кетган ёшлар тотув ҳаёт кечирмоқда. Бундан кўнгли тўлган ота нафақа пулларини жамлаб, маҳалла ободлиги йўлида сарфлашга ҳаракат қилмоқда. Шу кунга қадар маҳалла ҳудудидаги 300 метр ички йўл саховатпеша кўмағида таъмирланиб, асфальт ётқизилди. Иккита кам таъминланган oilанинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

– Маҳалламиздаги ҳар бир oilа мен учун бегона эмас, – дейди кекса муаллим. – Кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан аҳоли фаровонлигини ошириш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш йўлида қўллаб-қувватлаш ишлар бажариляпти. Бундан ўн-ўн беш йил олдин-

КУЗУ ҚИШ ОВОРАГАРЧИЛИК ЭДИ...

Сув чиқарган, йўл, кўприк қурганлар элда азиз саналади. Бу кўхна ҳикмат замирида катта маъно мужассам. Аввало, ўз маҳалласи, яқинлари қорига бакор келган хайр-саховатли кишилар ҳурмат ва иззатга лойиқ қўрилиб, қадрланади.

Ҳаёт билан бугунги ҳаёт тарзимиз ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Қўчаларимиз тўлиқ асфальтлаштирилди, электр таъминотидаги узилишларга барҳам берилди. Қишлоқларда ҳам тадбиркорлик, кичик ишлаб чиқариш тармоқлари, томорқачиликни ривожлантириш орқали ижтимоий ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишларни санаб, адоғига етиб бўлмайди. Маҳалламизда бармоқ билан санарли енгил автомашини бўлган. Бугун бу беминнат дастёр деярли ҳар бир хонадонда бор. Бу – тўқинлик, меҳнат ортдан келаётган манфатдорлик меvasи. Шундай бир шароитда нега биз томошабин бўлиб туришимиз керак? Юрт тақдирини, бугунги, эртанги кунига ҳаммамиз дахлдормиз.

Нўъмонжон ота маҳалланинг фаоли сифатида барчага маслаҳаттўй. Эҳтиёжмандларга қўлдан келганча амалий ёрдам бериб келаётган хонадон соҳибларига кўпнинг ҳаваси келади.

– Ичимлик сувини ташиб ке-



лардик, – дейди Раҳиммахон Маматқулова. – Айниқса, куз-қиш мавсумида бу масалада қўллаб овозагарчиликлар юзага келган. Нўъмонжон доманинг маҳалламизга сув чиқариб бериш борасидаги ташаббусини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, амалий ёрдам берганимиз айни муддао бўлди. Кексалikka бўйин бермай келаётган саховатли муаллим бошлаб берган ибратли ишлар маҳалла ҳаётига эзгулик бахш этиб, меҳр-оқибат уруғлари илдиз отишига хизмат қилмоқда.

Маҳаллада 2800 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг турмуш тарзи ва фаровонлигини оши-

риш, хизмат кўрсатиш ва саноат тармоқлари фаолиятини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш йўлида амалга ошириляётган ишлар ҳудудни ҳар жиҳатдан обод қилмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ

Тасаввур қилинг. Фарзандингиз борадиган мактаб энг серқатнов йўл ёқасида жойлашган. У ерда светофор ёки пиёдалар ўтиш жойи бўлиши мумкин. Аммо...

Аммо, деганимнинг сабаби шуки, барибир фарзандингиздан хавотир оласиз, тўғрими? Шу боис айрим ота-оналар боласини мактабга ўзи олиб бориб, ўзи қайтиб олиб келади. Айрим ота-оналар эса бунга имкони йўқлиги сабабли жигарбанди остона хатлаб мактабга йўл олиши билан токи уйига эсон-омон қайтгунича юрак ҳовучлаб ўтиришади.

Биласизми, вилоятимизда 1055 дан зиёд умумий ўрта таълим мактаблари мавжуд бўлса, шулардан 250 дан ортиги катта ва серқатнов йўл ёқасида жойлашган. Демак, бу бир неча юз минглаб ота-оналарнинг, бобо ва бувиларнинг юрагида ҳадик бор, дегани.

Хўш, серқатнов йўл бўйидаги мактаблар олдидаги пиёдалар ўтиш жойлари қандай тартибга солинади? Болалар хавфсизлигини таъминлаш ва улар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти? Саволларимизга вилоят ИИБ ЖХХ ЙҲХБ умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш гуруҳи катта инспектори, капитан Шерзод Гоипов шундай жавоб берди:

– Серқатнов йўл ёқасида жойлашган мактаблар ёнида эрталаб ва туш пайтида инспекторларимизнинг хизмати ташкил этилган, – дейди суҳбатдошимиз. – Улар болаларнинг мактабга ўтиши ва автомобиллар ҳаракатини тартибга солиб турадилар. Тахлил ва ўрганишлар натижа-сида вилоят бўйича серқатнов йўл ёқасида жойлашган 18 та мактаб олди-да кўчма светофор ҳам ўрнатдик. Шунингдек, 2024 йилда 40 та, 2025 йилнинг ўтган 3 ойида 12 та таъ-лим муассасаси олдига транспорт воситалари тезлигини пасайтирувчи қаварик сунғий нотекисликлар ташкил қилинди. Болаларнинг йўл қоидаларига оид билимларини мустаҳкамлаш мақсадида таълим даргоҳларида 745 маротаба тарбия-бот тадбири, амалий машғулотлар таш-кил қилинди. Натижада жорий йил-нинг ўтган 3 ойида болалар ишти-рокидаги йўл-транспорт ҳодисалари салмоғи 29 фоизга камайди. Таълим даргоҳлари олдида йўл-транспорт ҳодисалари содир этилишининг олди олинди.

Серқатнов йўлларда ЭҲТИЁТ БЎЛ, БОЛАМ!

Вилоятимизда мазкур умуммиллий дастур асосидаги ишлар жадал суръатда амалга оширилмоқда. Масалан, шу кунгача 343 та мактаб-да ва 488 та мактабгача таълим ташкилотида йўл ҳаракати қоидаларини ўргатувчи махсус синф хоналари ташкил этилди ва жиҳозланди. Таълим муассасалари ҳовлисида эса майдончалар яра-тилиб, кўргазмали куруллар ўрнатилди. Жорий йил якунига қадар яна 326 та мактаб ва 275 та мактабгача таълим ташкилотида шундай хоналар ва майдончалар ташкил қилиш бўйича ишлар қизғин давом этапти. Ҳар бир хона бо-лаларга йўл қоидаларини содда ва раvon тилда ўргатадиган жиҳозлар, кўргазмали восита-лар ва макетлар билан тўлиқ таъминланаяпти. ИПХ ходимлари ҳамда ўқитувчилар томонидан дарс машғулотлари режа асосида, мунтазам таш-кил этилмоқда.

Мутахассиснинг таъкидлаши-ча, кўчма светофорлар мактаблар олдида болалар хавфсизлигини таъминлашда жуда асқотмоқда. Масалан, Бешариқ тумани “Ҳамид Олимжон” маҳалласидаги 14-умум-таълим мактабида 1276 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Мазкур мактаб серқатнов йўл ёқасида жойлашган-лиги сабабли ўқувчилар йўлни кесиб ўтишда қийинчиликка дуч келишар эди. Йиллар давомида қўзилиб ке-лаётган бу муаммога кўчма светофор ечим бўлди. Мактаб дарвозаси олди-



даги пиёдалар ўтиш жойига кўчма светофор ўрнатилгач, болажонлар жонажон мактабга беҳавотир ўта бошладилар. Ота-оналарнинг ҳам кўнглига хотиржамлик инди.

Фарғона туманидаги 1392 нафар ўқувчи таълим оладиган 55-умум-таълим мактаби олдидаги пиёдалар ўтиш жойида ҳам худди шундай му-аммо йиллар давомида педагогик жамоа ва ўқувчи-ёшларни қийнаб келган. “Водил-Фарғона” автомо-биль йўли ёқасида жойлашган ушбу мактаб олдида яқинда кўчма свето-фор ўрнатилгач, хавотирга ўрин қолмади.

– Минг афсуски, жорий йил-нинг ўтган даврида вилоятимизда (мактаблар олдида эмас) болалар иштирокида 25 та йўл-транспорт ҳодисаси юз бериб, 4 нафар норасида ҳаётдан бевақт кўз юмди, 21 нафари тан жароҳати олди, – дейди ЙҲХБ катта инспектори Элбек Қобилов.

– Биз ушбу кўнгилсиз ҳодисаларни чуқур таҳлил қилиб, сабабларини ўрганиб чиқганимизда деярли барча-сида ота-оналарнинг бефарқлиги ана шундай аянчли хотима топгани маъ-лум бўлди. Масалан, яқинда Қўқон шаҳрида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисасини олайлик. Серқатнов йўл ёқасида яшайдиган хонадондан на-бирасини эргаштириб чиққан бува унга эътибор қилмаган, бола эса йўлнинг нариги юзида келаётган онасини кўриб қолиб, унга қараб югурган. Оқибатда ҳаётдан бевақт кўз юмган. Шу ўринда, ота-оналарга муурожаат қилиб, серқатнов йўллар бўйича ҳаракатланганда фарзандла-рининг қўлидан маҳкам ушлаб олиш-ни, эътиборли бўлишни маслаҳат берамиз.

Соҳа мутахассисларининг қайд этишича, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 12 июлда қабул қилинган “2022 – 2026 йиллар давомида амалга

оширилиши мўлжалланган “Хавф-сиз ва раvon йўл” умуммиллий дасту-рини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-316-сон қарори йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳамда таълим тизими мутасаддиларини кўп йиллардан буён қийнаб келаётган муаммолар-га ечим бўлмоқда. Сабаби илгари мактаб ва боғчаларда мавжуд бўлган йўл қоидаларини ўргатишга ихтисос-лашган синф хоналари ҳамда “Йўл қоидалари” дарс соатлари айрим са-бабларга кўра қисқариб кетган эди. Мазкур қарор билан тасдиқланган “Хавфсиз ва раvon йўл” умуммиллий дастури асосида 2026 йилга қадар бундай синф хоналари ҳамда май-дончалар қайта ташкил этилиши белгилан қўйилди. Бу эса болала-римизга боғча ва мактаб ёшиданоқ йўл қоидаларини пухта ўргатиш, уларни қонун ва қоидаларга ҳурмат руҳида тарбиялаш имкониятини янада оширади.

Вилоятимизда мазкур умуммил-лий дастур асосидаги ишлар жадал суръатда амалга оширилмоқда. Жум-ладан, шу кунгача 343 та мактабда ва 488 та мактабгача таълим ташки-лотида йўл ҳаракати қоидаларини ўргатувчи махсус синф хоналари ташкил этилди ва жиҳозланди. Таълим муассасалари ҳовлисида эса майдончалар яратилиб, кўргазмали куруллар ўрнатилди. Жорий йил якунига қадар яна 326 та мактаб ва 275 та мактабгача таълим ташкило-тида шундай хоналар ва майдонча-лар ташкил қилиш бўйича ишлар қизғин давом этапти. Ҳар бир хона болаларга йўл қоидаларини содда ва раvon тилда ўргатадиган жиҳозлар, кўргазмали воситалар ва макетлар билан тўлиқ таъминланаяпти. ИПХ ходимлари ҳамда ўқитувчилар томо-нидан дарс машғулотлари режа асо-сида, мунтазам ташкил этилмоқда.

Тажрибадан яхши маълумки, йўл инфратузилмасини яхши-лаш оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда-ги энг муҳим омил ҳисобланади. Қайсики, йўл текис ва раvon, йўл чизиқлари тиниқ, йўл белгила-ри ҳамда светофорлар тартиб-ли ўрнатилган бўлса, албатта, бу қоидабузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Қоидалар бузилмадим, демек, йўл-транспорт ҳодисалари ҳам содир бўлмайди, одамлар жабр кўрмаяди. Шу мақсадда Фарғона вилояти ИИБ ЖХХ ЙҲХБ махсус эксплуатация-монтаж бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган 3 ойи давомида ви-лоят ҳудудидаги йўлларда автомо-биллар ва пиёдалар ҳаракатини тар-тибга солиш мақсадида 11 та янги светофор қурилмаси ўрнатилди, 93 та светофорда таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, Фарғона шаҳрида 19 та янги йўл белгиси ўрнатилиб, мав-жуд 667 та йўл белгиси замонавий-сига алмаштирилди. 17 534 квадрат метр йўл чизиқлари қайта чизилди.

– Илгари йўл чизиқлари оддий бўёқларда чизиларди ва 6 ойга бор-май ўчиб кетарди. Шу боис бир йил-да икки марта қайта чизишга тўғри келган, – дейди махсус эксплуатация-монтаж бўлими бошлиғи, под-полковник Дилмурод Мамазиев. – Ҳозирда жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, рангнини 3 йилгача сақлаб тура оладиган махсус бўёқлар олиб келинди. Энди фуқароларнинг “Йўл чизиқлари ўчиб кетибди, кўринмай қолибди”, деган эътирозларига ҳам ўрин қолмайди. Ҳаракат иштирок-чиларига қулайлик туғилади.

Абдувосит СИДИҚОВ

Нуқтаи назар

Битта тишлагандан кейин...

Бугун “Фарзандингизга ҳар куни қанча вақт ажратасиз?”, деган саволга жавоб бериш учун аксарият ота-оналар ўйланиб қолади. Чунки шиддат билан ўзгариб, янгиланиб бораётган ҳозирги тезкор замонда онлавий мулоқотлар ўрнини ижтимоий тармоқ ва ун-даги турли-туман кўнглихушликлар эгаллаб олаётгани аини ҳақиқатдир.

Агар бу борада сўровнома ўтказилса, ота-она ва фарзандлар, оила аъзолари ўртасидаги самимий, дўстона мулоқотлар вақти кундалик ҳаётимизнинг энг охириги ўринларини эгалласа керак. Боиси оила вақти, онлавий ҳордиқлар учун қулай бўлган шанба ва яшанба кунлари ҳузури тобора унутилиб бораётгани бор гап.

Ҳамюртлар ўртасидаги ортиқча асаб-бузарлик, жиззакилик, ҳатто болаларнинг тобора серзарда бўлиб улғаяётгани бир жиҳатдан оиладаги маънавий-руҳий муҳит барқарорлигига путур етаётгани билан ҳам бевосита боғлиқ. Шу маънода, бугун ижтимоий тармоқ, телефон каби замона-вий унсурлар нафақат онлавий бахт, балки олтинга тенг вақтимизнинг ҳам ўғрисиға айланди. Бу аччиқ ҳақиқат эканлигидан асло кўз юмиб бўлмайди.

Айни пайтда сайёрамизнинг ҳар бир бурчагида инсон онги ва тафаккури учун аёвсиз кураш кечаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли “Эндилиқда дунёни фикр бошқаради, ақллар жангида ким кучли бўлса ғолиб, ким кўп ахборотга эга бўлса, у ал-батта кучли”, деган ҳаётий ҳулосалар анча



урфга кирди.

1

Инглиз ёзувчиси Жонатан Свифтнинг “Гулливернинг саёҳатлари” деб номлан-ган машҳур романи бор. Унда ҳаёлпараст олимларнинг антиқа кашфиётлари ҳақида бироз қулги, киноа билан ёзилади. Бу олимларнинг бири муздан порох ясашга ҳаракат қилади, яна бири бодрингда жам-ланган қуёш энергиясини олиб, у орқали иссиқхоналарни иситишда фойдаланиш масаласини ҳал қилишга уринади.

Демак, оилада туйғулар тарбияси муҳим аҳамиятга эга. Донолар эътироф этадики,

фикр – бола, бола эса ўсувчан. Кундан-кунга дунёқараш, билими ўсиб, улғайиб бора-ётган фарзандлар тарбиясида “Бу – яхши, бу – ёмон” деган жайдари фалсафа билан эзгу мақсадга эришиш қийин. Ўйлаб кўриш, ҳулоса чиқаришга ундамайдиган фикр чала пишган мевага ўхшайди. Чиройли кўринган мевага дилингиз суст кетади, шошилиб узиб оласиз, битта тишлагандан кейин эса у отиб юборишдан бошқасига ярамайди.

“Шунчаки тақиқлаш ёки инкор этиш би-лан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Қолаверса, қалбдан чиқмаган ўлик сўз ҳеч қачон жон-ли жавобни уйғотмайди. Шунинг учун ҳам

одамларни, айниқса, ёшларни ўзингизга дўст тутиш учун, аввало, уларнинг дардига, ички оламига кириб боришингиз керак”, деб ёзади Дейл Карнеги. Мақсадга эришиш учун инсон қалбида иллатларга қарши ку-рашувчи кучли иммунитетни шаклланти-риш зарур.

2

Миллий ўзлик, тарихий илдишлардан айрилиш, билимсизлик ва жоҳиллик туфай-ли Худойберди Тўхтабоевнинг қаҳрамони – Ҳошимжон сингари сеҳрли қалпоқчага эга бўлиб, ҳамма нарсасига бир зумда эришишни истовчилар кўпаяди. Сервантеснинг Дон Кихоти каби ҳаёлий сароб ортидан эрга-шувчилар пайдо бўлади.

Миллий мафкура – кенг қўламли ва уз-луксиз кечадиган жараён, доимо тақомил-лаштириб борилиши керак бўлган масала.

– Бугун оила тизгинини қўлида маҳкам ушлайдиган оталарга катта эҳтиёж бор, – дейди фахрий ўқитувчи Акрамжон Ғаниев. – Чунки жамиятда кўплаб муаммоларнинг урчишида масъулиятсиз оталар ҳам айбдор.

Шу ўринда улуг маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “Тарбияни кимлар қилур?” деган кинояомуз, оғриқли саволи эсга тушади.

Оила манфаати, иқтисодий фаровон-лиги ҳамда дунёқарашимиз ўзаро уйғун эканлигини асло унутмаслик лозим. Шу боис янгиланиш, модернизация жараёнлари нафақат табдиркорликда, балки онгимиз, тафаккуримизда ҳам кечиши жуда муҳим. Дунёқарашимизда ислоҳ этилиши зарур бўлган қусурлардан тезроқ халос бўлиш фаровонлигининг муҳим омилдир.

Жаҳонда кечаётган турфа жараёнларни

тийрак нигоҳ билан кузатиб, ана шундай ҳулосага келишимиз аниқ. Долғали замона-миз шуни англатадики, тафаккур эркинли-гига эришиш, инсон онига баъзан зўрлик, гоҳида беозор усуллар орқали сингдирила-ётган турли ақидалар, иллатлар, фикрий қарамлик домгага тушиб қолмаслик – му-раккаб жараён.

3

Бирда бунёд этиш, бирда вайрон қилиш аслида инсониятга асрлар мобайнида ме-рос бўлиб келаётган хос одат. Бундан уч аср муқаддам кўҳна қитъа халқлари ҳаётида муҳим из қолдирган, юксак тараққиётга пойдевор қўйилишида ислохотлар бирин-чилардан бўлиб таълим тизимидан бош-ланган эди. Шу даврдан бошлаб “Фикр дунё-ни бошқаради” деган дунёни бошқаришга қодир бўлган янги тушунча, тафаккурга асос солинди.

Бугуннинг теран мушоҳадали ва ҳушёр фуқароси ҳаётий қузагишлари асосида ниманидир тасдиқлайди, ўзича кимгадир танбех беради. Турфа воқеликлар, ер юзида кечаётган иқтисодий-сиёсий талотўплар, баъзи қийинчиликлардан толиқса, жаннат-макон юртимиз ҳавосидан тўйиб-тўйиб на-фас олади. Бетақрор табиат манзараларидан роҳатланади. Гоҳида эса онасидан аразлаган бола каби ҳўрсиниқларини индамай ичига ютиши ҳам мумкин.

Ҳулоса шуки, эртанги кун истиқболи учун ҳар бир оила кўзининг оқу қораси бўлган фарзандлари қалбида энг гўзал инсо-ний туйғуларни тарбиялаши шарт ва зарур.

Ботир МАДИЁРОВ

«Янги Фарғона» – «Новая Фергана» газеталари давлат муассасаси	Бош муҳаррир: Шоҳидбек АСЛОНОВ	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 2022 йил 29 августда 036860-рақам билан рўйхатга олинган.	Газета ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.	Адади: 6 750 нуска. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нархда. Буюртма:
МУАССИС: Фарғона вилояти ҳоқимлиги	Манзил: Фарғона шаҳри, Юксалиш кўчаси, 78-«В/2» уй.	Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.	Газетани етказиб бериш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.	
			Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.	
			Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига босмахона масъул.	Навбатчи муҳаррир: Адҳамжон РАҲМОНОВ. Дизайнер: Жаҳонгир МИРЗАМАТОВ.